

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

17 «2015 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари
ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва
қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2636-1*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни-
нинг 51-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 9 декабрдаги 338-сон «Етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳ-
рум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги
низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил
18 ноябрдаги 4-мб-сон «2015 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакл-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

ларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2636, 2014 йил 18 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 616-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. ТУРАЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 7 январь,
1-мб-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил
7 январдаги 1-мб-сон қарорига
ИЛОВА

**«2015 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари
тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 1-банддаги «112» рақами «113» рақами билан алмаштирилсин.
2. 2015 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари мазкур ўзгартириш ва қўшимчанинг иловасига мувофиқ Турар жойга мухтожлар сифатида ҳисобга қўйилган етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар ҳамда турар жой учун берилган ордерлар тўғрисида ҳисобот шакли (113-илова*) билан тўлдирилсин.

* Илова берилмайди.